

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

**Мактабгача таълим методикаси кафедраси доценти  
Абдуллаева Масуданинг**

**БОЛАЛАРНИ ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШГУЛОТЛАРИДА  
МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ мавзусидаги**



**НАМАНГАН-2018**

# **БОЛАЛАРНИ ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШГУЛОТЛАРИДА**

## **МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ**

**Абдуллаева Маъсуда Абдубаннаевна п.ф.н., доцент**

**НамДУ мактабгача таълим кафедраси.**

**Аннотация:** В статье описывается о подготовке детей к школе и формировании у них необходимых знаний и умений посредством проведения занятий изобразительного искусства

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, школа, подготовка, дети, знания, умения, формирование

**Abstract:** the article describes the preparation of children for school and the formation of their necessary knowledge and skills through the conduct of fine arts

**Key words:** fine arts, school, training, children, knowledge, skills, formation

Болаларни мактабга тайёрлаш жуда мураккаб жарён бўлиб, отаоналардан анчагина нарсаларни билишлари лозимлигини тақозо этади. Маълумки, бола эсини танигандан бошлаб қўлига тушган нарса билан тўғри келган жойга расм чизишга жуда ишқивоз бўлади. Бизнинг вазифамиз болалардаги ана шу интилиш, қизиқишиларни керакли йўналишга солишидир.

Болаларни тасвирий санъатга тайёрлаш уларнинг илк ёшлариданоқ бошланса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, болалар маълум мақсад сари йўналтирилган фаолият билан қанчалик эрта шуғуллансалар шунчалик тез керакли тажрибаларга эга бўладилар.

Энди, ҳозирги даврда мактабга тайёргарлик кўрмасдан келган махаллада тарбияланган бола билан боғчадан келган болалар ўртасида кескин тафовут бўлмаслиги учун болаларни маҳсус тузилган машғулотлар орқали мактабга тайёрлаш муаммоси юзага келди. Бу эса ўз навбатида ота-оналар учун бир қанча қўлланма ва йўлланмалар, кўргазмали қуроллар ишлаб чиқиши зарурияти юзага келди.

Биз ҳозир ота-оналарнинг ишларини енгиллатиш мақсадида ана шундай машғулотларни телевидение орқали ҳам намойиш этишни лозим топдик. Бу кўрсатувлардан мақсад мактаб ёшига яқинлашиб қолган болаларни мактабга тайёрлашнинг энг қулай йўлларидан фойдаланишини ота-оналарга, катталарга, болаларга ўргатишидир.

Болалар агарда тасвирий фаолият билан мунтазам шуғулланиб бормаган бўлсалар, уларни дастлаб тузилиш жиҳатидан содда бўлган топшириқларни бажаришга ўргатиши керак бўлади.

Ушбу кўрсатмаларда ана шундай содда топшириқлардан айрим намуналар қўрсатилган. Болаларга рангли қаламлар, қоғоз, мўйқалам, рангли қоғозлар, акварел бўёқлари қўрсатилади. Дастлабки машғулотда болаларга рангли қаламлар ва улар билан ишлаш усуллари ҳақида тушунча берилади. Қаламда тўғри, оғма, қия, узук чизиқлар чизиш усуллари қўрсатилади.

" Ёмғирнинг ёғиши "Бу расмни чиздиришдан мақсад болаларга қия кўриниши-даги узук-узук чизиқларни чизишни ўргатишидир. Бунинг учун болалар қаламни мана бундай ушлаб, чизиқлар чизишлари керак бўлади (Чизиқларни чизиш тартиблари амалий равишда кўрсатилади). Мана бу кўргазмали қурол эса болаларга тўғри чизиқлар чизиш тартибини кўрсатиша ёрдам беради. (Катталар ишлаган сурат кўрсатилади)."Рангли ипчалар чизамиз" Бу расм болаларга анча узун бўлган чизиқларни тепадан пастга қаратса чизишни ўргатиша жуда қўл келади. Болаларга ип сиртидан бармоқларини юргизиб, унинг қанчалик тўғри чизиқ эканлигини синаб

кўриш таклиф этилади. Сўнг, қаламда тўғри чизиқларни чизиш тартиби кўрсатилади. Картон қоғозидан тайёрланган кўргазмали қурол намойиш этилади. "Рангли қаламчаларни чизамиз" Бу расмни чизиш жараёнида болалар тепадан пастга қаратса тўғри чизиқлар ўтказишни ўрганадилар. Бу расмни ишлашда акварел бўёғидан фойдаланиш усуллари болаларга амалий равища кўрсатилади. Болалар билан қаламларни дикқат билан кўриб чиқамиз. Сўнг, унинг тасвирини ишлаш тартибини амалий тарзда кўрсатамиз. Бу расмларни ишлашда тўрт хил ранг тусидаги гуаш бўёғидан фойдаланган маъқул. (Рангли гуашда ишланган қаламчалар расми кўрсатилади).

"Тешиккулча" Бу расмни чиздиришдан мақсад болаларга доира кўринишидаги нарсаларни тасвирлашни ўргатишдир. Бунда болалар дастлаб битта ҳалқа чизиб оладилар ва унинг ўртасидан кичикроқ иккинчи ҳалқача расмини чизадилар. Натижада икки чизиқли тешиккулча расми тайёр бўлади. Энди ана шу чизиқлар орасини бўяб чиқиши мумкин.

Тешиккулча расмини чизиш тартиби амалий равища кўрсатилади.

"Олмалар катта ва кичик бўлади" Болалар думалоқ кўринишдаги нарсаларнинг расмларини чизишни ўргангандаридан сўнг, олманинг катта ва кичик кўринишларини тасвирлашга ўтамиз. Бунда болалар ўзлари ўргангандари ёрдамида қизиқарлироқ бўлган нарсаларни тасвирлашни ўрганадилар.

Болаларга катта ва кичик олмаларнинг расмларини чизиш тартиби амалий равища кўрсатилади. Бунда самолётларнинг турли кўринишдагилари тасвирланади.

Болаларга самолётларнинг расмлари кўрсатилади ва чизиш тартиби амалий равища тушунтирилади.

Болалар уларга амал қилган ҳолда нақш бўлакларини тайёрлашлари мумкин.

Болаларга тайёр ишлардан намуналар кўрсатилади ва уларни чизиш тартиби тушунтириб берилади. "Аквариумдаги балиқлар" Болалар

аквариумда сузиб юрган балиқларни кўплаб кузатганлар. Энди ана шу балиқларнинг рангли суратларини ишлаш билан ҳам шуғулланадилар. Бунинг учун ўртacha катталиқдаги қоғоз вараги олинади ва унинг сиртига шар ёки тўғритўртбурчак аквариум расми чизилади. Унинг ичиға эса сувда сузиб юрган балиқлар, сув ўтлари тасвирланади. Болаларга ана шундай расмлардан намуналар кўрсатилади. Уларни чизиш тартиблари амалий равища тушунирилади.

Болаларнинг тушунчаларини янада бойитиш учун рангли қоғозлардан қирқиб тайёрланган балиқлар тасвири аквариум тасвирланган қоғоз сиртига турли вазиятларода қўйилиб кўрсатилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Абдураҳмонова Д. А. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртакларидан фойдаланиш: Пед. фанл. ном. дисс – Т.: 1998. – 171 б
2. Косминская В. Б. и др. "[Теория и методика изобразительной деятельности в детском саду](#)" М., «Просвещение», 1977 г.. [OCR Detskiysad.Ru](#)
3. Казанцева И.С.\_Рабочая программа по обучению детей 6 -7 лет в группе предшкольной подготовки на 2016–2017 учебный год изобразительное искусство